

Nematullo MUKHAMEDOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN

Doctor of Historical Sciences
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011,
Uzbekistan n.muxamedov@iiau.uz

ШОШЛИК МУҲАДДИСЛАРНИНГ МИНТАҚА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУХАДДИСОВ ОАЗИСА ШАШ В НАУЧНЫХ ЦЕНТРАХ РЕГИОНА

ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION

Калит сўзлар: *Шош, ўрта аср, муҳаддис, минтақа, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Марв, Қазвин, Қафқол Шоший, Хайсам Шоший.*

Ключевые слова: *Шаш, средние века, хадис, регион, Самарканд, Бухара, Насаф, Мерв, Казвин, Каффал Шаши, Хайсам Шаши.*

Keywords: *Shash, Middle Ages, hadith, region, Samarkand, Bukhara, Nasaf, Merv, Qazvin, Kaffal Shashi, Khaysam Shashi.*

Глобаллашув шароитида турли дин ва маданият вакиллари ўзида жам қилган шаҳарлар тарихи ва маданиятини ўрганишга кизиқиш, умуман, жаҳонда ижтимоий ҳамкорликни таъминлашда цивилизациянинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Бу борада дин омили ҳам ўз ўрнига эга. Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан боғлиқ, ижтимоий ҳаётда доимо у билан бирга бўлиб келган Марказий Осиё халқлари эътиқод қилиб келган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган (Alimova, 2019:335). Маълумки, IX – XII асрлар Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихан турли маданиятлар ва қадриятлар чорраҳасида жойлашган. Бу эса ўзга урф-одат ва анъаналарга нисбатан ҳурмат ва кенгбағирлик руҳини шакллантирди. Ксенофобия каби нотаниш тушунчаларга қўрқув ва ҳадик билан муносабатда бўлиш олдини олди. Буюк Ипак йўли орқали нафақат моддий, балки маънавий янгиликларнинг мунтазам етиб келиши диёр халқларига оламнинг турфалигини англаш имконини берди (Saidjalolov, 2020:33).

Бинобарин, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган.

Шаҳарлар маданияти тарихи ва олимларнинг цивилизация ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Тошкент дунё ҳамжамияти томонидан тинчлик, нон, дўстлик, бағрикенглик шаҳри сифатида эътироф этилган. Шунингдек, “Шарқ дарвозаси”, “Ислом маданияти пойтахти” каби мақомларга ҳам эришган.

Бугунги кунда жаҳонда ва минтақада Тошкент йирик бир метрополияга айланиб бораётган пайтда унинг ўрта асрлар тарихи, маданиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб мавзулардан бири саналади.

Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан тафсир, ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида қўллаб таниқли олимлар етишиб чиққан.

Милодий IX аср ҳадис илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис “ҳадис илмининг олтин асри” деб юритилади. Чунончи, VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланиб борган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муҳаддис шуғулланган (Uvatov U., Usmonov I., Rahimjonov D., Mukhamedov N., Muratov D. va boshqalar, 2011:10,11), (Termiziy, 1993:4). Насафлик аллома Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) “Китоб ал-қанд” ва марвлик тарихчи Абу Саъд Самъоний (1113-1167) “Китоб ал-ансоб” асарларида юртимиз шаҳарларида фаолият юритган муҳаддислар ҳақида қимматли маълумотларни келтиришган.

Хусусан, “Китоб ал-қанд” ва “Китоб ал-ансоб” каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Уструшана, Дабусийа, Кушонийа ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар (Rahimjonov, 2003:13).

Юқоридаги рақамлар Шош ҳам мусулмон Шарқидаги илмий-маданий марказлардан бири эканини тасдиқлайди. Шошда ҳадис илми ривожланган ва бу ердан етишиб чиққан муҳаддислар нафақат Шош воҳасида, балки ислом дунёсининг турли марказларида илмий фаолият олиб боришган ва шуҳрат қозонишган.

Шош воҳасида ҳадис илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ Самарқанд,

The 9th - 12th centuries in Central Asia are marked by the development of science and culture, especially Islamic sciences. In this regard, such ancient cities as Bukhara, Samarkand, Nasaf (Karshi), Termez, Khiva, Shash (Tashkent) were known as centers of science and culture in the Islamic world. In particular, in Tashkent, which is called Shash in medieval sources, many prominent scholars of Islamic sciences lived and worked. The 9th century was called the "Golden Age of Hadith Science" thanks to the work of Hadith scholars in the region.

The article analyzes the activities of medieval (IX-XII) Shasha scholars in the scientific centers of the region. It also explores the scientific cooperation between madrasah scholars in various scientific cities of the region, such as Samarkand, Bukhara, Khiva, Nasaf, Termez, Merv, and Qazvin.

IX - XII века в Центральной Азии знаменуются развитием науки и культуры, особенно исламских наук. В связи с этим такие древние города, как Бухара, Самарканд, Насаф (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент), были известны как центры науки и культуры в исламском мире. В частности, в Ташкенте, который в средневековых источниках называется как Шаш, жили и трудились многие выдающиеся ученые исламских наук. IX век назывался «золотым веком науки хадисов» благодаря работам учёных-хадисоведов региона.

В статье анализируется деятельность средневековых (IX-XII) ученых Шаша в научных центрах региона. А также исследуется научное сотрудничество между учеными медресе в различных научных городах региона, таких как Самарканд, Бухара, Хива, Насаф, Термез, Мерв и Казвин.

IX – XII асрлар Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Миллий IX аср ҳадис илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис “ҳадис илмининг олтин асри” деб юритилади.

Мақолада ўрта (IX-XII) асрларда яшаган Шошлик муҳаддисларнинг минтақа илмий марказларидаги фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Шош воҳасида ҳадис илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Хива, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Қазвин каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари тадқиқ этилган.

Бухоро, Хива, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Қазвин каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этган.

Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шоший, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший, Абуллайс Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Шоший Тункатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр ибн Ҳокон Шоший каби кўплаб муҳаддислар ислом дунёсининг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ҳадис илмидан сабоқ беришгани, кутубхоналарда турли диний билимларнинг айрим масалалари бўйича мунозаралар ўтказишгани араб манбаларида зикр этилган.

Марвлик муаррих Абу Саъд Самъоний ўзининг “Китоб ал-Ансоб” (“Насабнома”) асарида Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққанлиги, Абдуллоҳ ибн Авона Шоший шулар жумласидан эканини биринчилар қаторида қайд этган. Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шошийдан буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Жаъфар ибн Муҳаммад Фиръбий ва бошқалар ҳадис илмидан таълим олишган (Sam’ani, 1988:244). Машҳур тарихчи Абу Бакр Хатиб Бағдодий(ваф. 1071) “Тарихи Бағдод” китобида ёзишича, Абу Саъид Исо

ибн Солим Шоший Бағдодга келиб, улуғ муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муборак ривоят қилган ҳадисларни ёзиб олган. Шошлик муҳаддисдан сунний мазҳаб асосчиларидан бири Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, машҳур олим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Бағавий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган (Yoqut Hamaviy, 1988:116).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший (904-977). Ислом оламида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «ал-Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир хунараманд бўлиб, кулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис «ал-Қаффол» (Sam’ani, 1988:244). яъни, кулфчи, кулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг таҳаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда Абу Саъд Самъоний шундай ёзган: “ал-Қаффол – кулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший Шош аҳлидан бўлиб, кулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик

илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол аш-Шошийнинг номи Мағрибу Машрикқа ёйилган” (Sam’ani, 1988:211).

Маълумки, Қаффол аш-Шоший ҳижрий 291 (милодий 904) йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимни ўз юртида, кейинчалик Мовароуннаҳрдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби йирик олимлар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини эшитади ва ўрганади (Мухамедов, 2014:130).

Шунингдек, Абу Бакр Қаффол аш-Шоший Хуросонга бориб, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож, Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр ас-Самарқандийдан, Ироқда буюк муфассир Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Мусо ибн Абдулҳамид ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағовий, ибн Абу Довуд, ибн Соғиддан, Куфада эса Абдуллоҳ ибн Зайдон, Али ибн Аббос ал-Мукони’ийдан, Шомда Абулҳамиймдан, Жазирада (Арабистон ярим ороли) эса Абу Аруба ал-Ҳарроний каби катта олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан ҳадислар эшитган (Qazvinii, 1987:457).

Шамсуддин аз-Заҳабий «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломалар сийратлари») асарида келтиришича, «Ҳоким айтади: Мовароуннаҳрда усул илми ва ҳадис талаби ила энг кўп сафар қилган олим Қаффол аш-Шоший эди» (Zahabiy, 1992:283).

Абу Бакр Қаффол аш-Шоший илмий меросида ҳадис илмига оид «Жавомий ал-калим» («Ҳикматли иборалар тўплами») асари етакчи ўринни эгаллайди. «Жавомий ал-калим» китоби Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Имом ал-Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулulloҳ (с.а.в) калималаридан тўпланган» (Hoji Xalifa, 611). Ушбу асар қўлёзмасининг фото нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган “Жавомий ал-калим” асарининг қўлёзмаси (32 саҳифадан иборат) фото нусхасини олиб келганлар.

Қаффол аш-Шоший “Жавомий ал-калим” асаридаги ҳадислар қисқа, лўнда бўлиб, маъноларга бой саналади. Муҳими, ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли шаклда берилган. “Жавомий ал-калим” маърифий ва дидактик аҳамиятга эгалиги билан бошқа ҳадис тўплamlари ичида ажралиб туради. Мазкур асардаги ҳадисларда ислом дини

аҳкомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар ўз ифодасини топган.

Шош воҳасида ўрта асрларда кўплаб муҳаддислар фаолият кўрсатган. Улар орасида “Имом аш-Шоший” сифатида танилган ишончли муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший номини алоҳида қайд этиш мумкин.

Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший (туғилган санаси номаълум, ваф. 335/947) – йирик ишончли муҳаддис. Унинг тўлиқ исми – Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Шурайх деб келтирилган) ибн Маъқил аш-Шоший ал-Бинкасий ат-Туркий ал-Адибдир. Ҳайсам ибн Кулайб Шоший Шош (Тошкент) музофотининг бош шаҳри Бинкасада туғилган. У ҳижрий учинчи асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин даврда фаолият кўрсатган. Ҳайсам Кулайб Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз ҳамда Шарқ мамлакатларига ҳам сафар қилган.

Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абул Ҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, Ҳайсам Кулайб Шоший кўплаб шогирдлар етиштирган. Шошлик муҳаддис илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари шу шаҳарларда яшаган.

Имом аш-Шошийнинг биз авлодларга қолдирган «ал-Муснад» («ал-Муснад ал-Кабир») номи асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мактабат ал-Асад» номи кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу қимматли асар 1990 йилда Дубай шаҳридаги «Марказ ад-даъват вал-иршод» аъзоси, йирик ҳадисшунос олим, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи Мунавварада нашр этилган (Haysam Shoshiy, 1990:14-17).

Мазкур китобнинг мавзуси унинг «Муснад» номидан маълум бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. «Муснад» китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-окибат, ҳалоллик, поклик, адолат, имон-этикодга даъват этувчи ҳадислар билан бир қаторда

кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар ҳам ўз ифодасини топган.

Абу Саъид Исо ибн Солим аш-Шоший (ваф. 232/847) – Шош аҳлидан, у Арис (куёв) деб танилган, унинг куньяси Абу Саъиддир (Bag'dodiy, 1997:161). У ишончли муҳаддис бўлиб, эл-юрт кезган. Исо аш-Шоший Абу Худба Иброҳим ибн Худба, Убайдуллох ибн Амр, Бақия ибн ал-Валид ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган.

Юқорида айтганимиздек, Абу Бакр ал-Хатиб Бағдодийнинг хабар беришича, «У Бағдодга келган ва бу ерда йирик муҳаддис, фақиҳ Абдуллох ибн Муборак, Убайдуллох ибн Амр ар-Рақкий ривоят қилган ҳадисларни ёзиб олган». Исо аш-Шошийдан машхур олим Абдуллох ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Бағавий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Кўриниб турибдики, Исо ибн Солим Шошийдан қатор олимлар ҳадислар ривоят қилишган. У ўрта аср араб муаллифлари асарларида ҳадис ривоят қилувчи ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Исо ибн Солим Шошийдан ҳадислар билан бир қаторда ҳикматли иборалар ва хабарлар ривоят қилинган. Хусусан, «Таҳзиб ал-камол» («Қамолот ривожини») китобида: «Исо ибн Солим Шоший ар-Рақкийдан айтишича, Маймун ибн Михроннинг шундай деганини эшитдим: «Эй, Қуръон асҳоблари! Қуръонни дунёда фойда кўрадиган восита қилиб олманглар. Мол-дунёни дунёдан изланглар, охиратдан эса охиратни изланглар!» - деб ёзилган (Muziy, 1980:219).

Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший (ваф. 294/907) – муҳаддис. Шошда туғилган. Машхур тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг таъкидлашича, Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший 287/900 йилда Нишопурга келиб, Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Юсуф ат-Тамомий, Абу Рабиъ Холид ибн Юсуф ас-Самтий, Яъқуб ибн Ҳумайд, Исо ибн Ҳаммод ва Абу Тоҳир Аҳмад ибн Амр ас-Саржийлардан ҳадис илмидан таълим олган (Sam'ani, 1988:246).

Жаъфар ибн Шуайб Шошийдан Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ҳофиз, Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-Ҳофиз, Салама ибн Шабиб ан-Найсобурий, Абдуллох ибн Абдулҳаким ал-Мисрий, Иброҳим ибн ан-Назир ас-Самарқандий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. “Тарихи Бағдод” китобида қайд этилишича, Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший Бағдодга ҳожи бўлиб келган. Бу ерда у ҳадислар ривоят қилган. Ундан Исмоил ибн Али ал-Хутобий, Абдуллох ибн Иброҳим ибн Мосий, Абулҳасан ал-Аълоий ибн Исмоил Исҳоқ ибн Солим аш-Шоший

ҳадис эшитишган ва ривоят қилишган.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Ҳофизнинг Бухорода хабар беришича, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший ҳижрий 294 (милодий 907) йилда Шошда вафот этган (Sam'ani, 1988:195).

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм аш-Шоший – ишончли муҳаддис бўлиб, У Шош воҳасининг Харашкат шаҳарчасида туғилган. Абу Саъд Самъоний ал-Харашкатий – Харашкат Шош шаҳарларидан бири бўлиб, бу ердан кўп олимлар чиққан. Булардан Абу Саид Саъд ибн Абдурахмон ал-Харашкатий бўлиб, у Юсуф ибн Яъқуб ал-Қози, Муҳаммад ибн Абдуллох ал-Ҳазрабийлардан ҳадис ривоят қилган ва 340/952 йилда вафот этган.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм Шоший Абд ибн Муҳаммад Ҳамиднинг тафсири ва муснадини 249/ 863 йилда ўрганиб, ундан ҳадис илмидан таълим олган. Манбаларда қайд этилишича, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм Шошийдан 318/ 930 йил шаъбон ойида Шош шаҳрида Абу Ҳотам ибн Ҳиббон, Абдуллох ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи ас-Сарахсий ва бошқалар ҳадис эшитишган. Машхур муаррих Шамсуддин аз-Заҳабийнинг хабар беришича, Сарахс шаҳри хатиби ибн Ҳамавайҳи Иброҳим ибн Ҳузайм Шошийнинг «Муснади кабир» ва тафсирини ўрганган. Маълумки, Сарахс хатиби Абдуллох ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи Имом Бухорий «Саҳиҳи»нинг ровийларидан бўлган. У Иброҳим ибн Ҳузайм Шоший ва Аббос ибн Умар ас-Самарқандийлардан кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

Умуман олганда, аксарият манбаларда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм аш-Шоший ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилиб, кўплаб ҳадисларнинг ровийси сифатида келтирилган. «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломалар сийратлари») асарида таъкидланишича, Ибн Ҳузаймнинг сийрати ва фаолияти тўғрисида етарли маълумотлар етиб келмаган. У ишончли муҳаддислар сирасидан бўлиб, 90 йил умр кўрган.

Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз аш-Шоший (ваф. 314/926) – кўплаб ҳадисларни ёд билувчи ҳофиз, ишончли муҳаддисдир (Bag'dodiy, 1997:333). У Шошда туғилиб ўсган. Ҳасан ибн Соҳиб Шоший имом, ҳофиз, кўп юртларни кезган сайёҳ бўлиб, у илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом, Ҳарамайн (Макка ва Мадина), Яман, Мисрдаги турли табақалардан ҳадислар эшитган.

Соҳиб Шоший катта ҳофиз бўлиб, Хуросон шайхларидан ҳадислар ёзиб олган. “Тарихи Бағдод” китобида Соҳиб Шоший Хуросон шаҳарлари ва тоғлари, Ироқ, Ҳижоз, Шом ҳақида турли маълумотлар ёзганлиги қайд этилган. У ҳижрий 311

йилда Бағдодга келиб, Али ибн Хашрам, Исҳоқ ибн Мансур, Абу Зуръа ар-Розий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. ал-Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз Абу Али аш-Шоший тўғрисида «Иршод» асари муаллифи қуйидагича баён қилган: “У Хуросон шайхларининг китобларида зикр этилган катта ҳофиз эди”.

Соҳиб Шоший нафақат ҳадислар, балки юқорида айтилганидек, ўзи сафар қилган мамлакатлар шаҳарлари, шунингдек, катта олимлар, шайхлар тўғрисида маълумотлар қолдирган. Соҳиб Шоший Жазирага ҳам ташриф буюрган, у ерда шайх, фақих, аллома Абулқосим Умар ибн Муҳаммад ибн Икрима ибн ал-Базрий ал-Жазарийнинг шогирди бўлган. Соҳиб Шошийдан Абу Али ан-Найсобурий, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Жуъабий, Абу Бакр Қаффол аш-Шоший ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Абу Бакр Қаффол аш-Шоший ал-Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шошийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: “Шеърни ўрганинглари, чунки унда ҳикмат ва масаллар бордир” (Zahabi, 1992:431).

Ҳасан ибн Соҳиб Шошийнинг номи “Тарихи Бағдод”, “Табақот ал-хуффоъ”, “Тазкират ал-хуффоъ”, “ал-Ансоб”, “Сийар аълом ан-нубало” каби қатор ўрта аср араб манбаларида “Ҳофиз” дея ҳурмат билан тилга олиниб, ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган.

Х-XI асрларда Марв мусулмон шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Айниқса, салжукийлар ҳукмронлиги даврида Марв илм-маърифатнинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, буюк вазир Низом ал-Мулк Абу Али ал-Ҳасан ибн Исҳоқ ат-Тусий (1017-1092) даврида мадраса ва кутубхоналарга эътибор кучайган. Америкалик олим J.Pederzen «Низом ал-Мулк “Сиёсатнома” (Давлатни бошқариш ҳақида - J.Pederzen) муаллифидир. Бу асарнинг асосий ғояси мадрасалар томонидан олиб борилган ортодоксал таълим орқали кишиларни ислом шиори остида бирлаштириш ва уни амалдорлар, жамиятнинг саводли аъзолари орасида тарғиб қилиш бўлган», - деб ёзади (Pederzen, 1984:127).

Низом ал-Мулк бутун салжук империяси бўйлаб «Низомия» номи билан аталувчи кутубхонага эга мадрасалар ташкил қилишни бошлаб берган. «Низомия» мадрасаларида ўша даврнинг машҳур олимлари таълим берган. Рус шарқшуноси В.А.Жуковский Низом ал-Мулкнинг бу соҳадаги фаолиятига юксак баҳо берган: «У мусулмон шарқидаги буюк шахслардан бири эди. Унинг уйи доим қонуншунослар ва олимлар билан гавжум эди. Таълим соҳасига бўлган муҳаббати туфайли Исфохон, Нишопур, Хирот, Балх, Бағдод ва

бошқа шаҳарларда мадрасалар очган. Ушбу ўқув даргоҳлари унинг шарафига «Низомия» деб аталган. У турли илм ва фанни қўллаб-қувватлашга кўп маблағ сарфлаган. Низом ал-Мулкнинг бу фаолияти Марвга етиб борган» (Жуковский, 1884:28).

1064 йилда Низом ал-Мулк Марвдаги салжукий Султон Али Арслонга вазир этиб тайинланади. Салжукийларнинг вазири Марвда ҳам «Низомия»ни ташкил этган. Унинг очилган вақти номаълум. Бироқ Низом ал-Мулк Марвда фаолиятини бошлаганини ҳисобга олсак, у томонидан қурилган худди шундай кутубхонага эга мадрасалар орасида нуфузли ўқув масканларидан бўлгани шубҳасиз. Яна шунга айтиш жоизки, Марвдаги «Низомия» ўша пайтдаги Бағдоддаги шу номдаги кутубхона-мадрасалардан кам бўлмаган.

Бу икки кутубхонада ишлаган библиограф олим Ёқут Ҳамавий Марв кутубхоналаридаги қўлёзмалар тўпламига юксак баҳо берган (Мец, 1963:151). Шунингдек, Ёқут Ҳамавий Марвда бўлганида бу ерда ўнга йирик кутубхона борлигини кўрган. У мазкур кутубхоналарда сақланаётган китоблар қиммати ва сони жиҳатидан дунёда бирон-бир кутубхона унга тенг келолмайди, деб ёзган (Azamat Ziyov, 2000:134).

VIII-X асрларда кутубхоналар аввало масжидларда олимлар, шоҳ ва вазирлар томонидан ташкил этилган. Ўша даврда турли мавзудаги китобларга қизиқиш, уларни тўплаш ва сақлаш анъанага айланган эди. Масжид, мадраса, шифохона, саройлар ва бошқа жойларда шахсий кутубхоналар бўлган. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч каби илм ва маданият марказларида йирик кутубхоналар фаолият кўрсатган.

Марв айниқса, XI асрда қудратли салжукий Султон Санжар (1118-1158) мамлакатининг пойтахтига айлангач, ўзининг олтин даврини бошлайди. Рус шарқшуноси В.А.Жуковский Султон Санжарни «Хуросоннинг Александр Македонскийси» деб атаган.

Султон Санжар ҳукмронлиги даврида пойтахт шаҳарнинг илмий ва маданий ҳаёти янада ривожланди. Янги кутубхоналар очилди. Уларнинг баъзилари ҳақида ишончли маълумотлар бор: «Азия» кутубхонаси XII асрнинг биринчи ярмида ташкил этилган. Унинг асосчиси Азиз ад-Дин Абу Бакр Атик аз-Зинжаний бўлиб, Султон Санжарнинг ҳурматли кишиларидан бўлган (Pinto, 1929:226). Марв маданий ва илмий ҳаётида Самъонийлар сулоласи ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Марвлик машҳур олим, филолог, тарихчи ва генеалог (насабшунос) Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъонийнинг (1113-1167) «Китоб ал-Ансоб» («Насабнома китоби») асари бўйича

илмий тадқиқотлар олиб борган тарих фанлари доктори Ш.Камалиддиновнинг таъкидлашича, ўша пайтда XII асрда салжукийлар давлатининг пойтахти – Марвда 10 та нуфузли кутубхоналар бўлиб, шундан икkitаси Самъонийлар сулоласига тегишли эди. Самъонийларнинг ниҳоятда бой ва нодир икки кутубхонасининг эшиги барча кишилар учун очиқ бўлиб, бу ерга мусулмон дунёсининг турли чеккаларидан олимлар ташриф буюрган (Камалиддинов, 1993:10-11).

Самъонийнинг исми, насаби, кунyasi ва лақаби куйидагича таърифланади: «У ҳофиз, етук аллома, Тож ал-Ислом Абу Саъд Абдулкарим ибн ал-Ҳофиз Тож ал-Ислом Муъинуддин Абу Бакр ибн ал-Аллома, мужтаҳид Абулмузаффар Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад Муҳаммад ибн Жаъфар ат-Тамимий ас-Самъоний ал-Марвазий (Sam'ani, 1988:11).

Унинг отаси Абу Саъд Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъоний (1074-1196) таниқли шоир, адабиётшунос ва фикҳ бўйича олим бўлган. Таниқли библиограф олим Ёкут ал-Ҳамавий Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг ўғли Абулмузаффар Абдурахим ас-Самъоний (1142-1217) билан учрашиб, Самъонийлар сулоласи илмий, тарихий, филологик анъаналари асосчиси, йирик ҳадисшунос ва фақиҳ бобоси Абулмузаффар Мансур ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1034-1095)нинг фикҳ, тарих ва филология бўйича йирик олим бўлгани ва у бир қанча рисоалар муаллифи эканлиги ҳақида маълумотлар олган (Камалиддинов, 1993:11-13).

Кўриниб турибдики, Самъонийлар илм-маърифатли сулола сифатида ном қозонган. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний мусулмон Шарқидаги турли мамлакатларга сафар қилган. У Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги шаҳарларда, шунингдек, Бағдод, Ҳижоз, Ироқ ва Шомда бўлиб, турли илмлар бўйича маърузалар эшитган ва муҳими, фактик маълумотлар тўплаган. Марвга қайтгач, у тарих ҳадис, фикҳ, адаб ва бошқа илмлар бўйича 50 дан ошдиқ асарлар ёзган.

Самъоний асарларининг илмий ва тарихий қиммати шундаки, у бевосита ўзи учрашган олимлар ёки ҳадис эшитган муҳаддислар тўғрисидаги маълумотларни ёзган. Ўша даврда Марв Хуросоннинг илмий-маданий марказларидан бири (Булгаков П., Вахабова Б., 1978:44) бўлиб, Марвда яшаган муҳаддислар билан шошлик муҳаддислар ўртасида илмий ҳамкорлик мавжуд бўлган.

Абулфазл Муҳаммад ибн Сулаймон ибн ал-Ҳасан ибн Абу Амр ал-Фандиний ал-Марвазий Марвнинг Фандин қишлоғидан бўлиб, у Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший,

Абулқосим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Зоҳирий ва бошқалардан ҳадис ўрганган (Sam'ani, 1988:133).

(Мен (Самъоний) ундан Марвда ва Фандин қишлоғида ҳадислар ёзиб олдим. Абулфазл ал-Фандиний фикҳ олими ва солиҳ шайх эди. У 462/1070 йил муҳаррам ойининг 16-куни Фандинда туғилиб, 541/1147 йил муҳаррам ойининг 20-куни, сешанба аср пайтида дафн этилган. Менунинг жаноза намозини ўқиш ва дафн этиш учун Фандинга бордим (Sam'ani, 1988:133).

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Юсуф ал-Хулуқий ал-Ҳилолий Марв қишлоқларидан Янги Бузаншоҳда 458/1066 йилда туғилган. У Имом (раҳимаҳуллоҳ)нинг асҳобларидан бўлиб, ундан илм ўрганган. Ал-Хулуқий икки имом — бобом Абулмузаффар ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший ва бошқалардан ҳадис эшитган. Мен ундан Янги Бузаншоҳ қишлоғида ёзиб олдим (Sam'ani, 1988:166).

Шайх, имом, ҳофиз, хатиб сифатида танилган марвлик муҳаддис Абу Тохир Муҳаммад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Саҳл ибн Абу Толҳа ал-Марвазий ас-Санжий Марвнинг Катта Санж қишлоғида туғилган. У Исмоил ибн Муҳаммад аз-Зоҳирий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафғол аш-Шоший ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган (Zahabiy, 1992:284).

Шамсуддин аз-Заҳабийнинг ёзишича, ас-Саййид Абулмаъолий Фазлуллоҳ ибн Жаъфар ибн ал-Ҳусайнни баъзи асҳобларимиз Марварруд аҳлининг таниқли шахсларидан бири сифатида эътироф этишган. У Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийнинг «Муснади»ни ўрганган (Sam'ani, 1992:26-27). Шунингдек, Марваррудда туғилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Марваррудий Абу Исо ат-Термизий, Абулқосим ал-Хузоъий, Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийлардан ривоят қилган ҳадислар «Жомий» китобига кирган (Sam'ani, 1992:56-57).

Шошлик муҳаддислардан айримлари Марвга келиб, ўзининг илмий фаолиятини давом эттирган. Жумладан, Абулвардон ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Абдурахим аш-Шоший ас-Суфий Шошдан бўлиб, у Марвда яшаган. У Куръон ва яхшилик аҳлидан эди. Абулвардон ибн Абдурахим аш-Шоший кўп Куръон тиловат қиларди, солиҳ киши эди. У Бағдодга бориб, Абулхусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Фарроъ ва бошқалардан ҳадис ўрганган. Ҳижрий 528/1134 йилнинг охирида Марвда вафот этган (Sam'ani, 1992:229).

Абу Бакр Умар ибн Абдурахим аш-Шоший ас-

Суфий Шош ахлидан бўлиб, Марвда ар-Розиқ дарёси қирғоғидаги хонақоҳда яшаган. У кишиларга кўп яхшилик қилувчи ва ибодатгўй, хокисор ва солиҳ шайх эди. У менинг бобом Имом Абулмузаффар ас-Самъоний, Абулқосим Ҳибатуллоҳ ибн Абдулворис аш-Шерозий ал-Ҳофиз ҳамда Абу Саъд Муҳаммад ибн ал-Хорис ал-Хорисий ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган (Sam'ani, 1992:518).

Самъоний Абу Бакр Умар ибн Абдурахим аш-Шошийдан Марвда ҳадислар ёзиб олган ва уни қаттиқ ҳурмат қилган: «Мен ундан фотиҳа олганман ва уни зиёрат қилардим. Ундан эшитган ҳадислар ривоятини Ҳибатуллоҳ аш-Шерозий тўплаб, «Арбаъин» китобини ёзган. Абу Бакр Умар ибн Абдурахим аш-Шоший тахминан 450 йилларда Шошда туғилган. Ва у Марвда 518 йилнинг охири ёки 519 йилнинг бошида вафот этиб, ар-Розиқ дарёси қирғоғи бўйига дафн этилган (Sam'ani, 1992:518).

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Шош воҳасида ҳадис илми ривожланган. Воҳада яшаб, фаолият кўрсатган муҳаддислар нафақат юртимизда, балки турли Шарқ мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонган. Буни қуйидаги омилларда кўришимиз мумкин:

Абу Саъид Исо ибн Солим аш-Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуъайб аш-Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм аш-Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз аш-Шоший каби кўплаб номлари деярли маълум бўлмаган муҳаддислар шахслари аниқланиб, уларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир тарихий маълумотлар ўзифодасини топди.

Ҳазрати Имом номи билан улуғланган аллома Абу Бакр Қафғол Шошийнинг ҳадис илмига оид “Жавомий ал-калим” (“Ҳикматли иборалар тўплами”) асари қўлёзмаси ва ундаги ҳадислар мазмун-моҳияти, бугунги кунда маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти очиқ берилди.

Ўрта аср араб манбаларида “Имом Шоший” сифатида эътироф этилган

Буни Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший фаолияти ва унинг “ал-Муснад” (“ал-Муснад ал-Кабир”) асари қўлёзмаси ҳақидаги маълумотларда кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, IX-XII асрларда, ҳадис илмининг “олтин аср”ида Шошдан етишиб чиққан 70 дан ортиқ муҳаддислар нафақат минтақа шаҳарларида, балки Шарқ мамлакатларида ҳам фаолият кўрсатган. Ўрта аср манбалардаги илмий ва тарихий маълумотларга қараганда, кўхна Шош ҳам минтақадаги ҳадис илми марказларидан бири бўлган.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdurahmon ibn Abu Bakr as-Suyutiy. Tabaqot al-xuffoz. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1403 h. 1 -jild. -B. 329.
2. Abu Bakr Ahmad ibn Ali al-Xatib al-Bag'dodiy. Tarixi Bag'dod al-Madinat as-Salom. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1997. 11- jild. -B. 161.
3. Abdulkarim ibn Muhammad ar-Rofi'iy al-Qazvinii. Tadvin fi axbori Qazvin. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1987. 1 -jild. -B. 457.
4. Abu Iso at-Termiziy. Ash-Shamoyil an-Nabaviya / Tarjimon - U.Uvatov. -T.: Cho'lpon, 1993. -B.4.
5. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam'oniyy. al-Ansob. -Bayrut, 1988. 7 -jild. -B. 244.
6. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as-Sam'oniyy. at-Tahbir fi mu'jam al-kabir. 2 -jild. -B. 26-27.
7. Abu Sa'id al-Haysam ibn Kulayb ash-Shoshiy. al-Musnad. -Madinai munavvara: Maktabat al-ulum val-hikam, 1990. 1 -jild. -B. 14-17.
8. Abdullayeva, Moxira (2018) “APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/13>
9. Azamat Ziyoy. Saljuqiylar // O'zbek davlatchiligi tarixi. -T.: Sharq, 2000. -B. 134.
10. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi:<https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
11. Alimova, Makhfuza (2019) “ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/42>.
12. Булгаков П.Г. и Вахабова Б.А. Средневековые ученые Мерва. -Ашгабад, 1978. -С. 44. Bulgakov P.G. i Vahabova B.A. Srednevekovye uchenye Merva. -Ashgabad, 1978. -S. 44. (in Russ.)
13. Жуковский В.А. Развалины Старого Мерва. -Спб., 1884. -С.28. Jukovskiy V.A. Razvaliny Starogo Merva. -Spb., 1884. -S.28. (in Russ.)
14. Ernazarov, Odiljon (2018) “The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/11>
15. Yoqut al-Hamaviy. Mu'jam al-buldon. -Qohira, 1906. 1- jild. -B. 7.
16. ISAKDJANOV, Ramzjon (2019) “RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss3/8>
17. Камалидинов Ш.С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ал-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии.

- Т.: Фан, 1993. Kamaliddinov Sh.S. «Kitab al-Ansab» Abu Sa'da Abdulkarima ibn Muhammada al- Sam'ani kak istochnik po istorii i istorii kul'tury Sredney Azii. -Т.: Fan, 1993. (in Russ.)
18. Kakhkharova, M. M. (2019). Социально-философские основы формирования духовно-нравственной общественной среды. (Social'no-filosofskie osnovy formirovaniya duhovno-nravstvennoj obshhestvennoj sredy) Theoretical & Applied Science, (10), 682-687. (in Russ.)
 19. Метц А. Мусульманский ренессанс. -М.: 1963. -С. 151. Metc A. Musul'manskiy renessans. -М.: 1963. -С. 151. (in Russ.)
 20. Muratov, Doniyor Mr (2019) "The role on the companions in the science of hadith," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 2. <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/2>
 21. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. (Hazrat Imam Abu Bakr Kaffal Shashi – muhaddis iz Tashkenta). PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130 (in Russ.)
 22. Saidjalolov Saidafzal (2020) ABOUT THE CONTENT AND SIGNIFICANCE OF THE RESOLUTION "EDUCATION AND RELIGIOUS TOLERANCE" - The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/4>
 23. Pederzen J. The Arabic Book. Princeton. 1984. -P. 127.
 24. Pinto O. The Libraries of the Arabs durind the Time of the Abbasids // Islamic Culture. 1929. Vol 3. -P. 226.
 25. Raximdjano D.A. Abu Xafs an-Nasafiyning «Kitob al-qand fi ma'rifat 'ulamo' Samarqand» asari - Samarqandda hadis ilmi tarixi bo'yicha muhim manba // tarix fanlari nomz... diss. - Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2003. -B. 13.
 26. Rahimjonov, Durbek (2019) "The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization," The Light of Islam: Vol. 2019.: Iss. 1 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/12>
 27. Tarixi adabiyot dar Iron. 2- jild. -B. 252.
 28. Uvatov U., Usmonov I., Rahimjonov D., Mukhamedov N va boshqalar. Movarounnahr allomalarining hadis ilmi rivojiga qo'shgan hissalari. Monografiya. -Т.: Movarounnahr, 2011. -B.10-11.
 29. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. -Bayrut. Muassasat ar--risola, 1993. 16 -jild. -B.283.
 30. Yusuf ibn az-Zakiy. Abdurahmon Abulhajjoj al-Muziy. Tahzib al-kamol. -Bayrut: Muassasat ar-risola, 1980. 29- jild. -B. 219.
 31. Xoja Xalifa. Kashf az-zunun. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1992. 1- jild. -B.611.